



ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислам Каримов
Корея Республикаси Президенти
Пак Кин Хэнинг таклифига биноан
27 май куни давлат ташрифи билан
Корея Республикасига жўнаб кетди.**

Олий даражадаги учрашувлар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг кенг қўламли масалалари, мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликни изчил ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Президентимиз Корея Республикаси ҳукумати ва парламенти, етакчи иқтисодий ва молия тузилмалари раҳбарлари билан ҳам учрашувлар ўтказди.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши, Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИГА КЕЛДИ

СЕУЛ, 27 май. ЎзА махсус мухбири
Анвар САМАДОВ хабар қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислам Каримов Корея Республикаси
Президенти Пак Кин Хэнинг таклифига
биноан 27 май куни давлат ташрифи
билан Корея Республикасига келди.**

Жанубий Корея протоколига мувофиқ Ўзбекистон Президенти шарафига Сеул аэропортида икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қорув саф тортди. Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Сеул кўчалари Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг давлат байроқлари, олий мартабали муҳимни кўтловчи шиор ва баннерлар билан безатилган.

Ушбу ташриф Ўзбекистон – Жанубий Кореянинг мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлари доирасида ўтмоқда. Улар давлатларимизнинг ўзаро алоқаларида доир кўламли масалаларни муҳокама қилиш, ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ташрифининг асосий тадбирларини, жумладан, Корея Республикаси Президенти ва бошқа раҳбарлари билан расмий музокара, етакчи компаниялар раҳбарлари иштирокидаги учрашувларни 28-29 май кунлари ўтказиш мўлжалланган.

Авал хабар қилинганидек, ташриф чоғида икки давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилиниши ва ўзаро муносабатларни 2014 йилда имзоланган Стратегик шерикликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма декларация руҳида мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

ЛИ УК ХЁН:

«ЖАНУБИЙ КОРЕЯ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ДАВЛАТЛАРОМ ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ НАМУНАСИДИР»

**2015 йил 27 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг
Корея Республикасига давлат ташрифи бошланди.**

**Ушбу ташриф арафасида «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири Корея
Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён билан
суҳбатлашди.**

— Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг сиёсий муносабатлари аъёновий равишда халқаро майдонда бир-бирига кенг қўлаб-қувватлаш асосида ривожланиб келмоқда, — деди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён. — Глобал ҳамада минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан томонларнинг нуктаи назарлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки бир-бирига яқиндир. Мамлакатларимиз БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазам тус олгани стратегик шерикликнинг изчил тараққиёти-



ТЎҚИМАЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР НАМОЙИШИ

**«Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида «TextileExpo Uzbekistan 2015»
XII халқаро кўргазмаси ўз ишнини бошлади.**

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси, «Осиё рамзи» Ўзбекистон модельерлар ва дизайнерлар уюшмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси кўмағида ITE Uzbekistan халқаро кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилди.

Енгил саноат — мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири бўлиб, бугунги кунда унинг аҳамияти тобора ортиб бораётган. Кейинги йилларда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш борасида кўлаб самарали лойиҳалар ва кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва бу жараён давом этмоқда. Тармоқда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат ва самарадорлигини ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш борасида олиб бориладиган ишлар натижасида ички бозоримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари билан бойиди. Шунингдек, ушбу йўналишдаги экспорт кўлами кенгайди.

Биргина мисол, 1991 йилда республикаимизда етиштирилган пахта толасини мамлакат ичкарида ишлаб чиқариладиган ҳажми етти фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич сал кам эллик фоизга етди.

Тармоққа замонавий технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг жалб этилиши экспорт кўламининг кескин ўсишига олиб келди. Бунда аъёновий ўтказиб келинаётган «Textile Expo Uzbekistan» халқаро кўргазмаси ўз хиссасини қўшиб келмоқда.

Жорий йилги кўргазмада Ўзбекистон, Беларуссия, Хиндистон, Индонезия, Хитой, Латвия, Литва, Польша, Туркия ва Япония каби мамлакатларнинг 70 дан ортиқ компаниялари замонавий матоларни яратиш, катталар ва болалар кийимларини тиқиш воситалари, етакчи ишлаб чиқарувчилардан фурнитуралар ҳамда тайёр маҳсулотларни намоийш қилмоқдалар. Экспозициянинг 40 фоизини Ўзбекистон компаниялари ва брендлари, 60 фоизини эса хорижий ишлаб чиқарувчилар ташкил этган.

(Давоми 2-бетда)

Фармон ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР ЭРКИНЛИГИ КАФОЛАТЛАРИ КЕНГАЙДИ

**Давлатимиз раҳбарининг шу йил 15 майдаги «Хусусий
мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли
ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал
ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш
чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони хусусий
тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва ўрнини
тубдан ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш
йўлида учраётган айрим тўсиқларни бартараф этишга
қаратилган.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида мазкур фармон мазмун-моҳияти ва ижроси, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг ҳуқуқий асослари ва бағишланган анжуманда шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирда юртимизда хусусий мулк мавқеини ошириш ва уни ҳимоя қилиш, ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитларини янада яхшилашга қаратилган зарур ҳуқуқий база яратилгани таъкидланди. Натижада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56 фоизга етди, иш би-

лан банд аҳолининг 77 фоизи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Номини зикр этилган фармонга мувофиқ хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг жадал ривожланиши йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг тўртта асосий йўналиши бўйича асосан жорий йилда амалга ошириладиган ўттиз учта аниқ чора-тадбирни кўзда тутувчи комплекс Дастур тасдиқланди. Унда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга

қўйиш тартибини янада соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Анжуманда янги фармон билан хусусий мулк ҳамда хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиш, уларни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тартибини янада соддалаштирилгани айтиб ўтилди. Маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик берилади.

Адлия вазирлиги мутахассислари, тадбиркорлик субъектларини рўйхатидан ўтказиш инспекциялари масъул ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган тадбирда янги фармоннинг ижросини таъминлаш борасида қилиниши зарур бўлган ишлар, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишда қонуларга қатъий риоя этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири**



МАМЛАКАТИМИЗДА

● «Жиззах» махсус индустриал зонасида тикув машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Juita Gulshana invest» масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси иш бошлади.

● Наманганда пахта тозалаш, тўқимачилик, енгил саноат техника ва технологияларини такомиллаштиришда инновацияларнинг роли мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Бухорода «Адабиётга – эътибор, маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида китоб байрами бўлиб ўтди. Ёшларда китоб мутолаасига қизиқишни ошириш, китобхонларнинг дидини ўстириш ва ёш қаламқашларни қўлаб-қувватлаш мақсади кўзланган тадбир доирасида Абу Али ибн Сино номидаги вилоят ахборот-кутубхона маркази ҳамда вилоятдаги бешта олий ўқув юрти томонидан китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

● Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги «Лаззат нон» масъулияти чекланган жамиятида тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари сифати ва хуштаъмлиги билан аҳолига манзур бўлмоқда. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада кунига 1,5 тонна ун қайта ишланиб, ўн турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

● Гулистон шаҳридаги Олим Хўжаев номидаги вилоят мусикали драма театрида Сирдарё вилояти ҳокимлиги, республика Байналмилал маданият маркази, Дин ишлари бўйича қўмита, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида «Баркамол авлод шаклланишида моддий ва маънавий қадриятларнинг ўрни» мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.



● Заргарлик буюмлари, соатлар ҳамда либослар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Richemont» холдинг компанияси (Швейцария)нинг март ойида якунланган наватбосдаги молиявий йил бўйича иқтисодий кўрсаткичлари эълон қилинди. Ушбу даврда унинг соф фойдаси ҳажми 36 фоиз тушиб кетган. Изоҳланишича, бундай салбий ҳолатнинг келиб чиқишига компания маҳсулотлари учун асосий бозор ҳисобланган Гонконг ва Макаода талабнинг камайиб кетгани ҳамда валюта курсларининг беқарорлиги сабаб бўлган.

● Европадаги «Altice» телекоммуникация гуруҳи «Suddenlink Communications» компанияси (АҚШ)нинг 70 фоиз акцияларини сотиб олиш юзасидан қелишувга эришти. Бу борадаги шартноманинг қиймати 9,1 миллиард долларга баҳоланган. Ушбу янгиликдан кейин «Altice» акциялари нархи 7 фоиз кўтарилди.

(Давоми 2-бетда)

